

## Мисрлик машхур қори хотирланди



16:28 / 17.01.2022 1466

Мисрлик машхур қори шайх Абдул Алим Фасад вафотининг бир йиллиги муносабати билан хотирланди.

Аль-Шурук хабар беришича, 2021 йил 16 январь куни Мисрнинг Кафр шайх вилоятидаги энг кекса ва машхур Қуръон уламоларидан бири шайх Абдул Алим Фасад 73 ёшида касаллик туфайли вафот этди.

Шайх Фасад 1947 йилда Мисрнинг Кафр Шайх вилояти Била шаҳрида туғилган.

Ал-Азҳар университетиде Қуръон илмлари бўйича таълим олган. Ҳаёти давомида Миср жамғармалар вазирлиги номидан кўплаб араб ва Ислом давлатларига саёхат қилган ва Рамазон ойида Қуръон маросимларида иштирок этган.

Фасад оиласидан бўлган кучли воиз Абдул Салам Хаворийнинг айтишича, Абдул Алим Фасад тақводор ва камтар инсон, истеъдодли Қуръон ҳофизи бўлган.

Умрининг сўнгги йилларида Фасаднинг шифокори унга Қуръон ўқимасликни маслаҳат берган. Бироқ у бундан бош тортиб, Қуръон қироат қилаётган ҳолда вафот этишини афзал кўришини таъкидлаган.

Шайх Фасад Кафр шайх вилоятидаги Қуръон қорилар уюшмасининг аъзоси эди.

У ўн ёшида Қуръони Каримни ёд олган. Ҳаёти давомида кўплаб ички ва халқаро Қуръон мусобақаларида биринчи ўринни эгаллаган Қуръон ҳофизидир.

***Хуршид Маъруф***